

Сизлар янги Ўзбекистоннинг қанотлисизлар. Бу қанотлар нима билан кучли бўлади? Билим билан!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz



## «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАНОТ БЎЛАМИЗ!»

ИЖОДИЙ ИШЛАР ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ РАИСИ, СЕНАТОР ҚУДРАТИЛЛА РАФИҚОВНИНГ «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАНОТ БЎЛАМИЗ!» ИЖОДИЙ ИШЛАР ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ТАНТАНАЛИ ТАҚДИРЛАШГА БАҒИШЛАНГАН МАРОСИМДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, азиз фарзандларимиз, меҳрибон устозлар, хурматли меҳмонлар ва ҳакамлар ҳайъати аъзолари!

Аввало, бугунги тадбиримизда иштирок этаётган барча ёшларни, уларнинг устозлари ва ота-оналарини «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танловининг республика bosқичига етиб келганликлари билан чин қалбимдан табриқлайман.

**Хурматли тадбир иштирокчилари!**  
Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев раҳбарлигида ёшларимизни она Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг истеъод ва қобилиятини, эзгу интилишларини рўёбга чиқариш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 28 июндаги қарори билан ўсирилари ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар тайёрлаш бўйича янги тизим яратилди.

Унга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати ва Миллий гвардия таркибига «Темурбеклар мактаби» ҳамда «Ёш чегарачи» ҳарбий академик лицейлари ташкил этилди.

Бундан кўзланган асосий мақсад **Жалолидин Мангуберди, Амир Темур, Заҳририддин Муҳаммад Бобур** каби буюк саркарда болаларимизга муносиб, қалбида миллий рух, шу муқаддас заминга садоқат туйғуси мустаҳкам бўлган, аждодларимизнинг бой жанг санъати, ҳарбий соҳадаги тажрибасини чуқур ўрганиб, уларнинг бу борадаги анъаналарини муносиб давом эттирадиган авлодни тарбиялашдир.

Маълумки, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонидан Муҳтарам Шавкат Мирзиёев шу йил 7 январь кун пойтахтимиздаги «Темурбеклар мактаби»га ташрифи чоғида ёшлар билан самимий мулоқот қилдилар.

Сўхбат давомида «Сизлар янги Ўзбекистоннинг қанотлисизлар. Бу қанотлар нима билан кучли бўлади? Билим билан! Камидан икки-учта тилни, аниқ фанларни ва тарихимизни мукамал билишингиз керак», дея алоҳида таъкидладилар. Мана шу ўғитга амал қилиш, билдирилган ишонччи оқлаш сиз, ёшларнинг қатъий мақсадингиз бўлиши лозим.

Дарҳақиқат, буюк алломалар эътироф этганидек, **Ватан тақдирини ёшлар тарбияси ҳал қилади ва нажот фақат ва фақат билимдир!**  
Мудофаа, Ички ишлар, Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган «Янги



Ўзбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танловидан кўзланган асосий мақсадимиз ушбу билим даргоҳлари ўқувчиларининг бугунги юртимизда амалга оширилаётган улғувор ислохотларни нечоғли идрок этаётганини англаш ва баҳолашдан иборат бўлди.

Ўш, бугунги ёшлар, фарзандларимиз ушбу ислохотларни қандай тушунмоқда? Улар Янги Ўзбекистонни барпо этиш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишдек улғу мақсадлар йўлидаги ишларни, бебаҳо қадрият ва анъаналарни давом эттиришга қанчалик тайёр?

Бизни мана шу каби саволлар қизиқтираётган.

Шубҳасизки, ўтказилган мазкур танловдан биз кўнгила улкан мамнуният бахш этувчи жавоб топдик.

Мен ушбу ҳаяжонли дамларда танлов иштирокчиси бўлган барча ёшларга мурожаат қилмоқчиман.

**Азиз фарзандларимиз!**  
Айни дамда сизлардак бахтиёр инсон бўлмаса керак.  
Чунки сизлар тарихи буюк, бугунги нурафшон, истиқболи порлоқ замин фарзандларисиз! Шу азиз Ватан равнақи, манфаатлари ва суверенитети ҳимояси учун ўзингизни дахлдор деб биласизлар.  
Бундан сиз мамлакатимиз бўйлаб ўтказилган «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танловида яққол намоён этдингиз. Сизлар бугун ғолибсизлар, ўз тенгқурларингиз орасидаги етакчи ва сардорсизлар.  
**Бир сўз билан айтганда: Ўзбекистон ватанпарвар ёшларининг энг илғорларисизлар.**  
Ўзбекистон Республикаси Президенти сиз ва сиз каби минглаб оловқалб, кўзида ўт

чақнаб турган фарзандларимиз тимсолида Учинчи Ренессанс пойдеворини қуришга қодир авлод сиймосини кўраётганлигига биз ҳечам шубҳа қилмаймиз. Зотан, сизларнинг кўзларингиз ва юзларингизда балқиб турган шижоат, илмга чанқоқлик, матонат ва ватанга бўлган муҳаббат шундай қарор қилишимизга тўла асос беради.

**Азиз ёшлар!**  
Очғини айтганда, сизларнинг ижодий ишларингизни баҳолаш осон бўлгани йўқ. Чунки ҳар бир иншо ўзига хос тарзда ёзилган: тили раво, мазмунан теран. Бу жараён табиийки, иншоларни баҳолашда кўп мунозараларга сабаб бўлди. Ва уйлайманки, бу барчамизни хурсанд қиладиган ҳолат. Негаки, ватан ва халқ ҳақида шундай қайноқ сўзлар, матнларни битиш учун, аввало, одамда қайноқ қалб бўлиши керак. Сизлар эса ўз ишларингиз билан шундай юксак қалб эгалари эканликларингизни амалда исботладингиз.

Бирок бу танловнинг ҳам ўз Низоми бор ва унга қўра, ғолибар аниқлиниши ҳамда эълон қилиниши керак.

**Бирок ушбу расмий шаклдан сал четта чиқиб айтадиган бўлсак, бугунги танловда мағлуб иштирокчининг ўзи йўқ. Нимага десангиз, шу bosқичга етиб келишнинг ўзи катта ғалабадир. Қолаверса, Ватани ва Миллати бахту саодати йўлида кўзи ениб, юраги жўшиб турган инсонни ҳеч ким ва ҳеч нарса енга олмайди!**

**Азиз ўғлонлар!**  
Фурсатдан фойдаланиб, мамнуният билан сизларга шунини маълум қиламанки, Сизларнинг ҳар бирингизга муҳтарам Юртбошимиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош Қўмондонидан Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг совғалари – ноутбуклар тақдим этилмоқда. Бу совғалар ҳар бирингизнинг столингизда турибди. Уйлаймики, бундан кимматроқ ва юксакроқ муқофотнинг ўзи бўлмаса керак. Нимага десангиз, шахсан Президентимизнинг совғаларини олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шу маънода, барчангизга муҳтарам Президентимиз эътибори ва эътирофи муборак бўлсин деймиш.

**Хурматли меҳмонлар ва азиз ўқувчилар!**  
Ушбу дамда халқимизнинг яқинлашиб келаётган қадимий ва навқирон шодиёнаси – Наврўз байрами билан барчангизни чин қалбимдан табриқлайман. Сихат-саломатлик, бахт-икқол ҳеч бирингизни тарқ этмасин!  
Сўзимиз сўнггида шундай фарзандларни тарбиялаган ота-оналар ва устозларга ҳамда ижодий ишларни ҳолисона баҳолаб борган ҳакамлар ҳайъати аъзоларига ҳам ўз миннатдорлигимизни билдираимиз.  
**Эътиборингиз учун раҳмат!**



«Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» ижодий ишлар танловининг республика bosқичи тафсилотлари ва ғолибларини тақдирлашга бағишланган лавҳалар билан 2-, 3-, 4-саҳифаларда танишинг >>>

# «Янги Ўзбекистонга ижодий ишлар танловининг республика



Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» иждодий ишлар танловининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда Президент маслаҳатчисининг ўринбосари Дилшод Кенжаев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов, Миллий гвардия қўмондони, генерал-майор Рустам Жўраев, Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Рабобан Маҳмудова, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳожиматов, мудофаа, ички ишлар, фавқулодда вазиятлар вазирлари ўринбосарлари, Давлат хавфсизлик хизмати масъул ходимлари, парламент вакиллари, Темурбеклар мактаблари ҳамда «Ёш чегарачи» ҳарбий-академик лицейи директорлари ва ўринбосарлари, илм-фан арбоблари, танлов иштирокчиларининг устозлари, ота-оналари ҳамда касба уюшмалари масъул ходимлари қатнашдилар.

Муҳаммад Бобур каби буюк саркарда боболаримизга муносиб, қалбида муқаддас заминимизга садоқат туйғуси жўш урган, аждодларимизнинг бой жанг санъатини чуқур ўрганиб, боқий анъаналарни изчил давом эттирадиган авлод тарбияланади.

Давлатимиз раҳбари шу йил 7 январда пойтахтимиздаги «Темурбеклар мактаби»га ташрифи чоғида буни алоҳида тилга олиб, ушбу мактаблар ўқувчилари ўзларига билдирилган ишонччи оқлашлари, илм ва салоҳиятларини намойён этишлари лозимлигини уқтирди.

Уқиган – ўқдан ошар. Ўқиганини уққан инсон эл-юрт тақдири, унинг ҳимояси муқаддас бурч эканлигини яхши англайди. «Ватан тақдири – менинг тақдирим, унинг замирида ота-онам, оилам, ақинларим, юртдошларим тақдири турибди», дея фикр юрилади, эгаллаган илмларини амалиётда қўллашга интилади. Юртим, халқим, дейди, эл билан бирга бўлади. Зеро, Навоий бобомиз «Элга қўшулган эш топти», дея бежиз айтмаган.

Шундай мезонлардан келиб чиқиб, ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳамда Қуролли Кучлар тизимидаги маънавий-маърифий ишлар самардорлигини янада оширишга йўналтирилган «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» иждодий ишлар танлови ташкил этилди.



Танловнинг республика босқичида ўқувчилар кўтаринки руҳда қатнашдилар. Уларнинг барчаси бироз ҳаяжонда бўлса-да, ҳаракатларида дадиллик, журъат, қатъият зухур эди.

Ватан, ватанпарварлик. Бу икки сўз замирида бутун бир юрт, эл тақдири ётади. Бир инсоннинг ватанпарварлиги ҳам бутун бир мамлакатга катта наф келтириши мумкин. Бунинг ўзи жонидан кечиб, душманни чўл сари бошлаган ва бир ўзи мағлуб қилган Широқ, ёвга бош эгмай мардонга курашган Жалолддин Мангуберди каби мард боболаримиз жасорати мисолида кўрамыз. Оиласи, ота-бобосига эҳтиром кўрсатадиган, киндик қони тўкилган жойни муқаддас санайдиган, ўз сўзига эга йигитларни чин ватанпарварлар дея оламиз. Бу туйғу кишига ёшлигидан уйда ва таълим масканида олган илми, тарбияси билан сингдирилади. Ватандан айро бўлган кишини эса, асло бахтли, деб бўлмайди. Севимли шоиримиз Абдулла Ориповнинг шундай сатрлари бор:

**Ватандан айри кўнглини  
билингки, яйратиб бўлмас.  
Баайни банди булбулни  
чамансиз сайратиб бўлмас.**

Демак, Ватанда яшаш, унинг мусаффо ҳавосидан нафас олиш – энг катта саодат! Ўз ватанида яйраб яшаётган, «Темурбеклар мактаби»дек даргоҳда тахсил олиб, ўз юртига хизмат қилишни олий саодат деб билладиган, нигоҳлари ўткир, кўзлари ёниб турган бу ёшларнинг иншоларида Ватан, унинг дадил одимлари ўз ифодасини топган. Уларнинг дилидаги бахтиёрлик туйғулари, руҳиятидаги кечинмалари боғдаги булбулнинг навоси каби эмин-эркин қозоғга тўкилган.

Шунингдек, ушбу битикларда тан-

## Мазмунли ва унутилмас саёҳат

**Жасур, мард, илмли ўғлонлар нафақат оиласи, балки халқнинг ҳам бойлигидир. Жисмонан, маънан ва ақлан етукликка эса сифатли таълим-тарбия, ўз вақтида кўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик натижасида эришилади.**

Касба уюшмалари Федерацияси ҳамда бир қатор вазирлик ва ташкилотлар ҳомийлигида «Темурбеклар мактаби» ва «Ёш чегарачи» ҳарбий-академик лицейи ўқувчилари ўртасида «Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» шиори остида ўтказилган иждодий ишлар танлови ғолиблари ва уларга кузатувчи бўлиб келган устозлари 14 март куни пойтахтимиздаги «Чинобод плаза» санаторийсида кутиб олинди. Улар учун шу куни маданий тадбир ташкил этилди.

Пойтахтда бизларни бу даражадаги юқори тайёргарлик билан кутиб олишларини хаёлимга ҳам келтирмаган-дир, – дейди Фарғонадаги Темурбеклар мактабининг иккинчи босқич ўқувчиси Асадулло Аминжонов. – Машхур санъаткор Фаррух Зокировнинг юрт ҳақидаги дилбар тароналари, Фарҳод Абдуллаев, Муқаддас Ҳолиқова, Гавҳар Зокирова билан самимий ва қизгин мулоқотлар бир умр хотирамизда муҳрланиб қолади.

Ташрифнинг иккинчи куниди ўқувчилар дастлаб Олмазор туманида жойлашган «Ғалаба боғи» ёдгорлик мажмуасида бўлиб, у ердаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди. Сўнгра боғ ҳудудида жойлашган ва Иккинчи жаҳон уруши ҳақида қизиқарли маълумотлар жамланган, юртимиз учун фидойиллик кўрсатган аждодларимиз хотирасига бағишлаб бунёд этилган «Шон-шараф» музейида бўлишди.

Генерал Собир Раҳимов ҳақида кўп ўқиганман, эшитганман. Аммо музейда у кишининг ҳайкали ва суратларини кўриб, қаҳрамонликлари ва олган мукофотлари ҳақидаги маълумотлар билан танишиб, таассуротларим янада бойиди, – дейди Ички ишлар вазирлиги Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси Жавлонбек Норқулов.

Шундан сўнг ўқувчилар Мирзо Улуғбек туманида жойлашган Қуролли кучлар давлат музейига боришди. Музей директори, полковник Мусалим Нуриддиновнинг айтишича, 16 мингдан зиёд экспонатга эга бу маскан нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда ҳам энг катта ҳарбий музей ҳисобланади.

Ёшлар Амир Темур бобомиз даврига оид экспонатлардан тортиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида ишлатилган ҳарбий техникалар, ўзбекистонлик мард ва жасур ўғлонлар ҳақида маълумотга эга бўлишди.

Кейинги манзил Олмазор туманидаги «INNO TEXNOPARK» бўлди. Ёшлар у ерда техник ихтиро ва лойиҳаларни амалиётга жорий этиш учун яратилган имкониятлар ва шароитлар билан танишдилар. Энг замонавий ускуналар ва дастгоҳлар ёрдамида ўқувчи ва талабалар бемалол ўз кашфиётлари устида изланишлар олиб боришлари мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар.

Кўпчилик хорижда ўқишга қизиқади, лекин юртимизда ҳам ёшлар учун бошқа давлатлардагидан қолишмайдиган шароитлар яратилмоқда, – дейди «Касба сайр» шўъба корхонаси директори Тўлқин Хидиров. – Шунинг учун ҳам иштирокчиларни бу жойларга олиб келдик. Улар тенгдошлари яратаётган янгиликлар ва амалга ошираётган ишларни ўз кўзлари билан кўрдилар.

– Давлат хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари Термиз «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейида она тили ва адабиёт фанидан дарс бераман, – дейди Муқаддас Қосимова. – Ўқувчиларимиз пойтахтга келишганидан жуда хурсанд, таассуротлари бир олам. Биз турли манзилларга бориб, яхши инсонларнинг сўхбатларидан ҳам баҳраманд бўляпмиз. Шогирдларим юртимизда бўлаётган ўзгаришлардан, беҳад хурсанд бўлишди.

Шундан сўнг ўқувчилар «Tashkent City» мажмуасига ташриф буюришди. «Planetarium» кинозалининг парвозли театрида фазога саёҳат қилиб, ер шарни ва коинот ҳақидаги ҳужжатли фильмини кўришди. Кейинги залда эса, бутун юртимиз шаҳар ва вилоятлари бўйлаб онлайн саёҳатга чиқшди.

Қисқаси, ёшларнинг пойтахт бўйлаб саёҳати унутилмас даражада мазмунли кечди.

Зебо НАМОЗОВА,  
«ISHONCH»



## Зиёлилар

«Янги Ўзбекистонга қанот бўламиз!» шиори остида ўтказилган ишлар танлови олдидан иштирокчилар парламент вакиллари, илм-фан арбоблари, олимлар ва ёзувчилар билан учрашдилар. «Чинобод Плаза» санаторийсида уюштирилган ушбу тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари, академик Акмал Саидов «Тараққиёт стратегияси – келажак учун мустақкам замин» мавзусида маъруза қилиб, сўнги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган туб ислохотлар ҳақида сўз юритди. Хусусан, парламентга муносабат тубдан ўзгарганига алоҳида тўхталди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳожиматовнинг «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт концепцияси» мавзусидаги маърузаси ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

– Умуман олганда, тадбир жуда чиройли ташкиллаштирилди, – дейди Ички ишлар вазирлиги Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси Гулнора Сейтназарова. – Кутиб олиш, шаҳар бўйлаб саёҳат, хуллас, ҳам-

маси биз кутгандан-да, аъло кечди. Айнакча, сиёсий арбоблар ва иждоқор зиёлилар билан бўлган учрашув синов олдидан иштирокчиларга жўшқин кайфият бағишлади.

Юзма-юз мулоқотда, шунингдек, Журналистика ва оммавий коммуникациялар университетининг Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси мудири, сиёсий фанлар доктори, профессор Муқимжон Қирғизбоев ҳам қатнашди. У Янги Ўзбекистонда миллий ва умуминсоний қадриятлар уй-

# ҚАНОТ БЎЛАМИЗ!»

## босқичи ғолиблари тақдирланди



ловни ўтказиш жараёнидаги унутилмас маданий тадбирлар ва саёхатлар, академиклар ҳамда илм-фан арбоблари маърузаларидаги тилга олинган мамлакатимиздаги кенг қўлмали ислохотлар моҳияти ҳам акс этган.

Ҳа, бугунги ёшлар том маънода бахтиёр авлоддир! Ўқиши ва илм олишлари учун барча шароитлар яратилган. Улардан фақат ҳаракат ва изланиш талаб этилади, холос. Иншо ёзган йигитлар буни ҳам теран ҳис этган ҳолда, «Шундай Ватанда яшаб, таҳсил олаётган мен БАХТИЁР бўлмай ким бахтиёр бўлсин?!» дея дил тугёнларини қаламга олишди.

Тадбирда ижодий ишларни баҳолаш осон бўлмагани, чунки қайси иншо мазмунли ва ўзига хос тарзда ёзилгани, сирасини айтганда, ҳар бири ўзига хос дилнома бўлганлиги таъкидланди. Бироқ танловнинг ўз Низоми бор, унга кўра, ғолибларни аниқлаш лозим. Шу ўринда совринли ўринларни эгаллаганларни ҳам, эгалламаганларни ҳам ғолиб, десак, хато бўлмайди. Бинобарин, ўзини Ватан равнақи ва ҳимоясига дахлдор деб билганларнинг барчаси бирдек ғолиб саналиши, улар тенгқурлари орасида етакчи, илғор ва сардор бўлиб, том маънода Учинчи Ренессанс



пойдеворини қуришга қодир авлод экани эътироф этилди.

Ҳакамлар ҳайъати раиси, Республика Маънавият ва маърифат маркази

раҳбари, сенатор Минҳожиддин Ҳожиматов танловнинг якуний босқичи ҳақида сўз юритиб, иншоларда ёшларга берилётган эътибор, ўз навбатида, мард ўғлонларнинг мамлакат эртанги кунига дахлдорлиги, бурчга содиқлиги, ватанпарварлиги буй кўрсатиб турганини, иншолар белгиланган рақамлар асосида шаффоф ва адолатли баҳоланганини қайд этди.

Ниҳоят, ҳаяжонли дақиқалар етиб келди. Ғолибларга мукофотлар тантанали равишда топширилди. Барча иштирокчиларга Президент совғаси – ноутбук, диплом ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг биринчи ўрин соҳибларига 30 миллион, иккинчи ўрин соҳибларига 20 миллион, учинчи ўрин соҳибларига 10 миллион сўмдан пул мукофотлари берилди. Танлов иштирокчиларидан яна бир нечтаси турли номинациялар бўйича тақдирланиб, уларга ҳам Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан замонавий смартфонлар топширилди.

Иштирокчилар ўз миннатдорликларини ҳаяжон билан тилга оларкан, сўзлари сўнггида юракларни ҳаққиртирадиган бир гап такрор ва такрор янгради:

**«Ўзбекистон Республикасига, халқимга ва Президентимга садоқат билан хизмат қиламан!»**

Шу ўринда бундай ёшларга илм бераётган, тарбиялаётган устозлар ҳақида ҳам икки оғиз сўз. Шоир айтганидек:

*Устоз кўрган зотлар ишга омилидир,  
Зановат аҳлига бу сўз шомилдир,  
Устознинг авлоси пири комилдир,  
Дилда баҳор бўлмас, устоз бўлмас.*

Ёшлар камолотида ота-оналардан ташқари, устозларнинг ҳам ўрни бўлакча. Ўғил-қизларнинг қўлига қалам тутқазган, ҳарф танитган, ўқитган, ҳунар ўргатган, йўл-йўриқ кўрсатган бу – устозлардир! Ҳар қандай ютуқ замирида уларнинг машаққатли меҳнатлари ва дуолари етади. Шогирдининг зиғирдек ютуғидан ҳам қувонади, уни янги-янги марралар сари руҳлантиради.

Танлов иштирокчилари республика босқичига етиб келишида ҳам устозларнинг хизматлари катта бўлди. Бу ҳам алоҳида эътиборга олиниб, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан биринчи ўрин соҳиблари устозларига 15 миллион, иккинчи ўрин соҳиблари устозларига 10 миллион, учинчи ўрин соҳиблари устозларига 5 миллион сўмдан пул мукофотлари тақдим этилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар обод элнинг бахтиёр ёшлари бор экан, юрт келажаги ишончли қўлларда бўлажagini айтиб ўтишди. Бу каби танловлар уларни янада руҳлантириши, сидқидилдан ўқиб, пухта билим ва фойдали касб-ҳунар ўрганишларида дастурил-амал бўлишини алоҳида таъкидлашди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,  
«ISHONCH»



Саидқабар Абдураимов олган суратлар



Ижод онлари

## Энг ҳаяжонли дамлар

«Янги Ўзбекистонга қанот бўлашимиз!» республика ижодий ишлар танлови иштирокчилари учун 17 март энг масъулиятли сана бўлди. Ҳаяжон оғушидаги йигитлар шу кунги Касаба уюшмалари Федерацияси мажлислар залига тўпланишди. Белгиланган дақиқалар етиб келгач, ўз ўринларини бирма-бир эгаллашди. Энди уларнинг олдида иншо ёзишдек масъулиятли вазифа турарди...



Аввалига ҳакамлар ҳайъати аъзолари – Республика Маънавият ва маърифат маркази раиси Минҳожиддин Ҳожиматов, ҳакамлар ҳайъати раиси ўринбосари Шухрат Жалилов ўқувчиларга иншо ёзишлари учун 2,5 соат вақт берилгани, бу жараёнда нималарга аҳамият бериш кераклиги, қозғоб бўялиб қолса ёки бошқа муаммолар пайдо бўлса, кимга мурожаат қилиш зарурлиги ҳақида тушунтирилди.

маърузалардан ҳам фойдаландим. Шунингдек, статистик маълумотлар келтирдим. Масалан, шу пайтгача 9692 нафар юртодошимизга Ўзбекистон фуқаролиги берилгани, 2004-2014 йилларда 10 миллион нафар сайёҳ Ўзбекистонга келгани, туристик имкониятларимизни кенгайтириш йўлида олиб борилган чора-тадбирлар натижасида эса охириги уч йилнинг ўзидеда юртимизга 15 миллион нафар сайёҳ қаддам ранжидеда қилгани ҳақида тўхтадим.

– Бадий асарлар ўқиганим бугун катта ёрдам берди, чунки иншо ёзишда бадий ифода-лаш муҳим ўрин тутди, – дейди Ички ишлар вазирлигига қарашли Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейининг биринчи босқич ўқувчиси Ақобир Абдураимов. – Синовга тайёргарлик кўриш жараёнида Президентимизнинг «Янги Ўзбекистон стратегияси», сиёсатшунос Қудратилла Рафиқовнинг «Менинг Президентим!» китобларини ўқигандим. Бу юртимизда бўлаётган ислохотларнинг моҳиятини теранроқ тушунишимда катта аҳамият касб этди. Қолаверса, кеча юртимизнинг энг диққатга сазовор жойларида ва музейларида бўлганимизда, пойтахтимиз манамен деган шаҳарлардан қолишмай-диган даражада юксалгани ишонч ҳосил қилдим. Албатта, фикрларимнинг ҳаммасини ҳам иншога сиғдириладим. Чунки ҳар бир соҳада жуда катта ислохотлар амалга оширилган ва ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Муҳими, биз, ёшлар шу янгиликлардан четда турмаганимиздан, давримизнинг навқирон, фаол вакиллари эканлигимиздан фахрланаман.

– Бошида озгина ҳаяжонландим, кейин ҳаммаси жойига тушди, – дейди у. – Иншо ёзишда кеча юртимизнинг машҳур арбоблари билан бўлган мулоқотда ўқилган

Ишонч ҳосил қилдим. Албатта, фикрларимнинг ҳаммасини ҳам иншога сиғдириладим. Чунки ҳар бир соҳада жуда катта ислохотлар амалга оширилган ва ҳозир ҳам изчил давом эттирилмоқда. Муҳими, биз, ёшлар шу янгиликлардан четда турмаганимиздан, давримизнинг навқирон, фаол вакиллари эканлигимиздан фахрланаман.

– Бошида озгина ҳаяжонландим, кейин ҳаммаси жойига тушди, – дейди у. – Иншо ёзишда кеча юртимизнинг машҳур арбоблари билан бўлган мулоқотда ўқилган

Ўз мухбиримиз

## билан мулоқот

ғунлиги хусусида сўз юритиб, ўқувчилар билан самимий суҳбатлашди. Олий суд раисининг биринчи ўринбосари Робохон Маҳмудова эса «Янги Ўзбекистон – аёллар бахтли мамлакат» мавзусидаги маърузасида мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, суд-ҳуқуқ ислохотлари, гендер тенглигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхтади.

Танаффусдан сўнг Олий Мажлис Сенати раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев «Янги Ўзбекистоннинг устувор мақсади – Учинчи Ренессанс» мавзусида чиқиш қилди. Унда инсон қадрини улуғлашга қаратилган чора-тадбирлар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр юритилди.

– Ушбу танловда қатнашаётганимдан хурсандман, – дейди Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар

мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси Шермуҳаммад Норхонов. – Боиси, кўплаб янги дўстлар орттирдим. Сиёсатчилар, ижодкорлар билан учрашув руҳиятимизни янада кўтариб, қалбимиздаги эл-юртга садоқат туйғуларини янада жўш урдирди.

Учрашув якунида Ёшлар ишлари агентлиги директори ўринбосари Дилноза Каттахоновна, Республика Маънавият ва маърифат маркази ходими, фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухамедова қизиқарли маърузаларда маърузалар ўқишди.

Ишончимиз комилки, бундай тадбирлар ёшлар қалбида Ватанга муҳаббатни янада кучайтириш билан бир қаторда, ижодий ва таҳлилий фикрлаш кўникмаларини шакллантиришга ҳам хизмат қилади.

Ғулмонжон МИРАҲМЕДОВ,  
«ISHONCH»



Учрашув

Дил сўзлари

# ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОРЛИК ТУЙҒУСИ

## Барчамиз ғолибмиз!



**Бахтиёр ХИБЗИДДИНОВ,**  
Миллий гвардия Тошкент шаҳар  
«Темурбеклар мактаби»  
ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси,  
биринчи босқич ўқувчилари ўртасида  
биринчи ўрин соҳиби:

– Бугунги қувончимни сўз билан ифодалай олмаман. Мен тўрт-беш кун давомида тенгдошларим билан бирга юрдим, тадбирларда қатнашдим, саёҳатда бўлдим. Шу қисқа вақт ичида улар билан қадрдон бўлиб кетдим.

Беш кун давомидаги тадбирлар биз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Барчаси учун Президентимизга, Миллий гвардия раҳбариятига, Ўзбекистон қасба уюшмалари Федерациясига ва устозларимга миннатдорчилик билдираман.

Албатта, танлов ғолиблари сафидан ўрин олишимга умид ҳам, шубҳа ҳам бор эди. Чунки дўстларимнинг ҳам батафсил ёритишга ҳаракат қилдим. Чунки охириги уч йил ичида шахримиз мисли кўрилмаган даражада ўзгарди.

Танлов жараёнида бизга кўрсатилган эътиборни ва ташкилий ишларни таърифлашга тил ожиз. Биз – «Темурбеклар мактаби» ўқувчиларига юртимиз аҳли катта ишонч билдираётганини англадим. Кўрсатилган ғамхўрлик ва эътиборни шундан деб билдим.

Танлов ўз устимда ишлашимга жуда катта мотивация берди. Келгусида юртимга, ота-онам ва устозларимга муносиб инсон бўлиш учун ҳаракат қиламан.

## Бизга илҳом бахш этди



**Сарафроз РАШИДОВ,**  
Ички ишлар вазирлиги Нукус  
«Темурбеклар мактаби» ҳарбий-  
академик лицейи ўқувчиси, «Ислохотлар  
билимдони» номинацияси совриндори:

– Иншомда Нукус шаҳридаги ўзгаришлар ҳақида тўлқинланиб ёздим. Бундан ташқари, Ҳаракатлар стратегияси, бешта муҳим ташаббус ва уларнинг моҳиятини ҳам батафсил ёритишга ҳаракат қилдим. Чунки охириги уч йил ичида шахримиз мисли кўрилмаган даражада ўзгарди.

Танлов жараёнида бизга кўрсатилган эътиборни ва ташкилий ишларни таърифлашга тил ожиз. Биз – «Темурбеклар мактаби» ўқувчиларига юртимиз аҳли катта ишонч билдираётганини англадим. Кўрсатилган ғамхўрлик ва эътиборни шундан деб билдим.

Танлов ўз устимда ишлашимга жуда катта мотивация берди. Келгусида юртимга, ота-онам ва устозларимга муносиб инсон бўлиш учун ҳаракат қиламан.

## Ўғлим билан фахрланаман!



**Хайрулло ҚОДИРОВ,**  
Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент  
шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-  
академик лицейи ўқувчиси Файзулла  
Зикриёевнинг отаси:

– Уч нафар ўғлим бор. Файзулла иккинчиси. У ўтган йили «Темурбеклар мактаби»га ўқишга кириш учун имтиҳон топширди. Омади чопиб, шу даргоҳ ўқувчиси бўлди.

Ҳозир Файзулланинг танловда иккинчи ўринни эгаллаганини эшитиб, бошим кўкка етди. Ота-она учун бундан ортик



бахт бўлмаса керак. Ҳатто кўзларимга қувонч ёшлари қалқди. Бунинг учун шу тадбирни ташкиллаштирганларга раҳмат айтаман. Фарзандларимизнинг шундай ютуқларга эришишига сабабчи бўлган устоз-мураббийларига таъзим қиламан.

Тилагим: ҳар бир ота-она фарзандлари ютуқларидан фахрланиб юрсин!

## Меҳнатларим бесамар кетмаганидан хурсандман



**Бахтиёржон ЭРКАБОЕВ,**  
Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент  
шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-  
академик лицейи иккинчи босқич  
ўқувчиси, иккинчи босқич ўқувчилари  
ўртасида биринчи ўрин соҳиби:

– Болалигимдан ҳарбий либосли одамни кўрсам, танамда бошқача ҳис-ҳаяжон сезардим. Фурсат етиб, бугун ўзим шу либосдаман. Ўз олдимга улкан мақсадларни қўйганман. Очиғи, шу кунга етгунча кўп изландим. Кўп мутолаа қилдим. Бугун меҳнатларим бесамар кетмаганидан хурсандман.

Келажакда Ватанимиз равнақига ҳисса қўшишга, ҳар қарич ерини жон-жаҳдим билан асраб-авайлашга ваъда бераман. Бизга шундай имкон яратиб берган барча масъулларга чексиз миннатдорлик билдираман.

## Ойдин орзулар қаршисидамиз



**Фирдавс АБДУСАЛОМОВ,**  
Фавкулдада вазиятлар вазирлиги  
Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби»  
ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси,  
«Тараққиёт стратегияси» билимдони  
номинацияси совриндори:

– Ҳарбийлар орасида «Генерал бўлишни орзу қилманган аскар – аскар эмас», деган гап бор. Бу иборанинг маъно-мазмунини ҳарбий либос кийган куним англаб етдим ва менда ҳам худди шу ният пайдо бўлди.

Бугун шундай бир нуфузли тадбирда, ҳарбий либосдаман. Бу менинг зиммамга катта масъулият юклаши билан бир қаторда, жуда катта ишонч ҳам беради. Гарчи бугун иншола танловида биринчи ўринни эгалламаган бўлсам-да, ғолибман. Зотан, Ватан ҳимоясига отланган ўғлонлар орасида мағлублар бўлмайди.

## Хайрли ишлар бардавом бўлсин!



**Саида МАЖИДОВА,**  
Давлат хавфсизлик хизмати  
Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби»  
ҳарбий-академик лицейи  
ўқитувчиси:

– Устоз учун шогирдининг ютуқларини кўришдан ортик бахт бўлмаса керак. Танловда бир эмас, икки нафар ўқувчиси ғолиб бўлди.

Президентимиз икки марта мактабимизга ташриф буюриб, қилиниши керак бўлган вазифаларни белгилаб берган эдилар. Мана, ҳеч қанча ўтмай, қилинган саъй-ҳаракатлар ўз мевасини бермоқда.

Мазкур танловда мени кўп нарсалар жуда қувонтирди. Хусусан, танлов баҳона бўлажак Ватан хизматчиларига кўрсатилган ғамхўрлик, эътиборни икки оғиз сўз билан ифодаб бериш қийин.

## Эртанги кунимиз ишончли қўлларда



**Жамила ШЕРМУХАМЕДОВА,**  
Республика Маънавият ва маърифат  
маркази ходими, фалсафа фанлари  
доктори, профессор:

– Ватанни кимлар кўриқлайди? Юрагида ўти бор, мард ва жасур ўғлонлар, албатта. Иншола танловида бевосита иштирок этиб, амин бўлдимки, бу ерда ўтирган йигитларнинг шахди баланд. Кўзлари чақнаб турибди. Нигоҳлари теран. Дунёқараш кенг. Очиғи, уларнинг ижодий ишлари билан танишиб, кўнглим тоғдек кўтарилди. Эртанги кунимиз ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўлдим. Давлатимиз раҳбари бежиз «Темурбеклар мактаби»га алоҳида эътибор қаратмаётир. Бугун бу ерда, ҳақиқатан ҳам, муносиблар тахсил олмоқда.

Мамлакатимизда қадамидан ўт чақнайдиган, қадди баланд, руҳи тетик посбонлар кўпайсин!



# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАНОТ БЎЛАМИЗ!»

## Ижодий ишлар танловининг республика босқичи ғолиб ва совриндорлари

### 1-БОСҚИЧ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА

#### 1-ўрин

**Хибзиддин Бахтиёр Сайридин ўғли** – Миллий гвардия Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### 2-ўрин

**Комилжонов Самандар Низомжон ўғли** – Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### 3-ўрин

**Рўзиев Жасурбек Одилжон ўғли** – Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Термиз «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

**Усмонов Рамзиддин Муҳсинжон ўғли** – Фавкулдада вазиятлар вазирлиги Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

### Кўшимча номинациялар совриндорлари

#### «Ислохотлар билимдони» номинацияси:

**Рашидов Сарафроз Жаҳонгир ўғли** – Ички ишлар вазирлиги Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### «Жасоратга даъват» номинацияси:

**Худойбердиев Жаҳонгир Шамсиддин ўғли** – Фавкулдада вазиятлар вазирлиги Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### «Сиёсий саводхонлиги учун» номинацияси:

**Шарипов Ибратбек Хушнуд ўғли** – Миллий гвардия Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

### «Тинчликпарвар ғояси учун» номинацияси:

**Аҳадов Жон-Муҳаммад Комилжон ўғли** – Фавкулдада вазиятлар вазирлиги Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

### 2-БОСҚИЧ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА

#### 1-ўрин

**Эркабоев Бахтиёржон Аюбжон ўғли** – Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### 2-ўрин

**Зикриёев Файзулла Хайрулло ўғли** – Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### 3-ўрин

**Аминжонов Асадулла Неъматулла ўғли** – Мудофаа вазирлиги Фарғона «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

**Қадилов Адхам Рустамович** – Ички ишлар вазирлиги Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

### Кўшимча номинациялар совриндорлари

#### «Энг саводхон иншо» номинацияси:

**Нишонов Ҳаётбек Ғофуржон ўғли** – Ички ишлар вазирлиги Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### «Тараққиёт стратегияси» билимдони» номинацияси:

**Абдусаломов Фирдавс Аҳрор ўғли** – Фавкулдада

вазиятлар вазирлиги Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

### «Фаол сиёсий қарашлари учун» номинацияси:

**Ҳикматиллов Шароф Шухратилло ўғли** – Миллий гвардия Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### «Фидойиликка даъват» номинацияси:

**Ортиқбоев Бобур Бахтиёр ўғли** – Ички ишлар вазирлиги Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

#### «Ноанъанавий ёндашув» номинацияси:

**Жамолиддинов Фирдавс Дониёр ўғли** – Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейи ўқувчиси.

### «Янги Ўзбекистонга қанот бўлашимиз!» ижодий ишлар танлови Республика босқичи ғолибларининг ўқитувчилари

#### 1-БОСҚИЧ

##### 1-ўрин

**Ишматова Наргиз Муртазақуловна** – Миллий гвардия Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

##### 2-ўрин

**Мажидова Саида Мирбосидовна** – Давлат хавф-

сизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

#### 3-ўрин

**Қосимова Муқаддас Бекпўлатовна** – Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари Термиз «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

**Кенжаев Зиядулла Ортиқович** – Фавкулдада вазиятлар вазирлиги Шаҳрисабз «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

### 2-БОСҚИЧ:

#### 1-ўрин

**Узоқова Ҳилола Камилловна** – Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

#### 2-ўрин

**Мажидова Саида Мирбосидовна** – Давлат хавфсизлик хизмати Тошкент шаҳар «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейининг она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.

#### 3-ўрин

**Мирзаев Тўланбой Тўлқинович** – Мудофаа вазирлиги Фарғона «Темурбеклар мактаби» «Аниқ фанлар» кафедраси мудири;

**Сейтназарова Гулнара Айтбаевна** – Ички ишлар вазирлиги Нукус «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейининг рус тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.



Халқ билан мулоқот

# Ишонч манзилига хуш келибсиз!

**Мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида ташкил этилган Халқ қабулхоналари оддий ватандошларимизнинг оғирини енгил қилиш, муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган вақт мобайнида Халқ қабулхоналари давлатимиз раҳбарининг «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак», деган улғувор ғоясини ҳаётда қарор топтиришга жиддий бел боғлаб, халқимизнинг чинакам ишонч манзилига айлана олди десак, хато қилмаган бўламиз.**

Самарқанд тумани аҳолисининг ўз муаммолари, таклиф ва шикоятлари билан айнан шу манзилга ишонч билдириб, мурожаат қилаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, Халқ қабулхонасига қилинаётган ҳар бир мурожаат атрофлича ўрганилиб, ҳал этилмоқда.

Масалан, шу йилнинг 14 мартда Халқ қабулхонасига «Кўсаҳо» маҳалласида яшовчи фуқаро Фазилят Жўраева мурожаат йўллаб, бир ой аввал унга Саховат ва кўмак жамғармаси ҳисобидан даволаниши учун 2 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам ажратилгани, бироқ ушбу пуллар пластик картасига ўтказилмаганидан норози эканини билдирган. Фуқаронинг мурожаати Халқ қабулхонасининг ўзида қўриб чиқилиб, туман ҳокимлиги ва туман Халқ банки масъул ходимлари жалб этилиб, шу куннинг ўзиде 2 миллион сўмлик моддий ёрдам пули фуқаронинг пластик картасига ўтказиб берилди. Шунингдек, «Диёр» маҳал-

ласида яшовчи ижтимоий ҳимояга муҳтож Зарина Бобоева туман Халқ қабулхонасига фарзандининг тўй маросимини ўтказиш учун моддий ёрдам ажратиш масаласида мурожаат қилган. Мурожаат туман Халқ қабулхонаси ва «Диёр» МФЙ раиси иштирокида ўрганилиб, ҳомийлик асосида 12,5 миллион сўм миқдордаги моддий ёрдам пули берилди. Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтириш мумкин.

Халқ қабулхонаси томонидан ҳудудларда аҳолини қийнаб келаётган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш бўйича тизимли ишлар йўлга қўйилди. Ушбу йўналишда «Оҳалик» ва «Гуллобод» маҳаллаларида эҳтиёждан келиб чиқиб, 2 та дорихона ташкил этилди. Шунингдек, ичимлик суви таъминотидаги камчиликлар бўйича 2 та, электр трансформатори носозлиги бўйича 2 та ҳолат юзасидан масъул идоралар раҳбарлари оғоҳлантирилиб, жами 5 та маҳалла ҳудудида таъминотдаги узиллишлар, носозлик-



лар бартараф этилди. Халқ қабулхонаси ташаббуси билан 4 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Эҳтиёжманд оилаларга кўрсатилган ижтимоий ёрдам юзасидан мониторинг асосида ўрганиш ишлари йўлга қўйилди ва бевосита 4-сектор раҳбари, «Оқмачит» МФЙ раиси, депутатлар билан 34 та кам таъминланган оилага озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Халқ қабулхонаси Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлими билан ҳамкорликда тумандаги хотин-қизлар турмуши даражасини ўрганиб, ночор ҳаёт кечираётган 34 нафар хотин-қизнинг

рўйхатини шакллантирди. Ўзбекистон касабаси уюшмалари кенгаши Самарқанд вилояти кенгашига тақдим этилган ушбу рўйхатдаги хотин-қизларга 170 миллион сўмлик маиший техника, қурилиш материаллари, дори-дармон ва нақд пул кўринишидаги ёрдамлар берилди. Президентнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлашга доир фармони ижроси ҳамда туман Халқ қабулхонасига келиб тушган мурожаатлар таҳлили асосида оилавий ажримларнинг олдини олиш, оилавий низоларни

бартараф этиш, эрта турмуш қуришнинг олдини олиш мақсадида 4 та сектор ҳудудида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий сайёр қабул ҳамда ўқув семинар-тренинг тадбирлари ўтказилди.

Буларнинг барчаси ўз самарасини бермоқда. Қабулда ажрим ёқасига келиб қолган хотин-қизлар муаммолари тингланиб, уларга ҳуқуқий-психологик маслаҳатлар берилди. Ўтказилган 4 та тадбирда 21 та ажрим ёқасига келиб қолган оила яраштирилди.

Давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 15 январь кунини бўлиб ўтган «Маҳаллабай» ишланнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2022 йилдаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир маҳаллаларни обод қилиш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш, коммунал соҳадаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли кўрсатма ва топшириқлар берилди. Самарқанд туманидаги ижтимоий-иқтисодий ҳолати оғир маҳаллаларни тоифасига қиритилган «Диёр», «Қорасув», «Захлик» ва «Хишров» маҳаллаларида жорий йилнинг 18 январь санасидан ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Маҳалла марказларида туман Халқ қабулхонаси ва ҳокимлиги томонидан махсус штаб ташкил этилди. Йўл харитаси тузилиб,

ижросини назорат қилиш туман прокуратурасига юклатилди.

Самарқанд туманида амалий ишлар барча ташкилотларни жалб қилган ҳолда комплекс равишда олиб борилмоқда. Жумладан, туманнинг 2-сектор ҳудудидаги «Диёр» маҳалласида соғлиқни сақлаш ходимлари томонидан 302 та хонадон ўрганилиб, 2000 нафардан ортиқ аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Хусусан, фуқаро Ҳафиза Аҳмедовага ногиронлик аравачаси ва 13 нафар беморга керакли дори-дармонлар ажратилди.

**Мухтасар айтганда, Халқ қабулхоналари фойдойи халқимизнинг дарду ташвишини тинглаб, қувончларига шерик бўлади-ган, улар дуч келаётган муаммоларни ҳал этадиган ўзига хос тузилмага айланди. Ҳокимият ва халқ ўртасида очик, шаффоф мулоқот тизими яратилди. Бундай эзгу ишлар жойларда қонун устуворлигини таъминлаб, одамларни рози қилиш, уларнинг эртага эмас, айнан бугун яхши яшаш, муносиб турмуш кечириши учун барча шароитларни яратиб беришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.**

Илҳом МУРОДОВ,  
Самарқанд туманидаги Халқ қабулхонаси мудири



## МЕНИНГ СОДДАГИНА МОМОЛАРИМ

...Унинг кўзлари қоп-қора тундан бошқасини кўрмас эди. Кўзлари кўрмас-да, кўнгилларни кўрадиган Ҳожар момонинг юзидан нур таралиб турарди. Унинг дилкашлиги, меҳрибонлиги бирам бошқача эди.

Момоларни эсласам, болалигим ёдимга тушаверади. Салкам тўқсон ёшида вафот этган Розия момом бор эди. Бизни шу инсон тарбиялаган. Онам эрта баҳордан то кеч кузгача даладан бери келмаган, биз, болаларига қарашга ҳам вақти бўлмаган. Онамга эмиздириш учун момомиз бизни кўтариб, далага олиб борар экан.

Болаликдаги уйимиз олдида катта ҳовуз бўларди. Унинг атрофига сўрилар, бир чеккада ўчоқлар қурилган эди. Онам эрта тонгда икки-учта сигирни соғиб, сутни Розия момога бериб кетарди. Момом эса катта қозонда сутни кўпиртириб пиширар, сўнг опаларим ва мени сут билан сийлар эди. У вақтлар ботча қаёқда? Катталар мактабга кетганида, кичиклар момонинг «боғчаси»да қолар эдик. Розия энам уй ишларини қилиб бўлган, гурунглашиш учун девор-дармиён кўшини Ҳожар момонинг ёнига чиқарди. Гоҳида Ҳожар момонинг ўзи бизникига келарди. Уларнинг сўхбатлари, айтиб берган эртак ва лапарларини эсласам, улар ҳали ҳаётдек туюлаверади.

«Бир кунни телевизорда Комилжон Отаниёзов кўшиқ куйлай бошлабди. Шунда Розия энам «Ҳожарниям чақириб келай, у билан бирга кўриб, эшитамиз», дея телевизорни тоқдан узиб, момони чақирди кетибди. Келиб, телевизорни ёқиб, ҳофиздан дарак йўқ эмиш, бошқа кўрсатув бўлаётган экан. Шунда улар ҳофизнинг «кетиб қолганидан» афсусланишбди. Эҳ, менинг соддагина момоларим...

Ҳожар момо шоиртабиат ҳам эди. Қофиясини келтириб, шундай шеърлар тўқирдики, қоғозга ёзиб ўтирмай, оҳанги билан хиргойи қиларди. Оилавий тадбирларда, байрамларда қариндошлар ундан кўшиқ айтиб беришни сўрашарди. Халқона оҳангда унинг овози жуда ёқимли, ширали бўлиб чиқарди. Ушанда уйдаги узун тасмалли «Днепр» магнитофонига отам микрофони улаб, момонинг овозини ёзиб олар ва кейин ўзига эшиттирар эди. Бундан момонинг илҳоми янада жушарди. Халқ оғзаки ижод намуналарининг авлоддан-авлодларга ўтиб, асрлар оша яшаб келишида Ҳожар момомдек момоларнинг ҳиссаси бекиёс, албатта.

Мактабни битказгач, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетига ўқишга кирдим. Биринчи ё иккинчи босқични тамомлаб, ёзи таътилга келганимда, Ҳожар момонинг ёнига бориб, иккита шеърини қоғозга туширдим. Кейинги келганимда ҳам момоникига бордим, фақат бошқа мақсадда...

Ушанда момонинг шеърларини кўпроқ ёзиб олмангандан жуда афсусландим. У қоғозга туширилмаган, фақат хотирасига муҳрланган шеърларини ўзи билан олиб кетди.

Тўртинчи босқичда ўқиб юрган пайтимда «Ўзбе-

кистон адабиёти ва санъати» газетасида ҳам ишлардим. Момоларни хотирлаб ёзилган «Ҳожар момо» сарлавҳали мақолам газетанда чоп этилган ва унда момонинг шеърлари ҳам берилган эди.

Мана бу шеърни эса момо тўнғич ўғли Қўзбой ака оиласи билан янги уйга кўчиб кетаётганида битган экан:

*Нарсаларинг юклаганда биларман,  
Болам, сани неча кунда гўрарман?  
Ун қат жоя бир ўзинг кириб чиқсанг,  
Ётоқ жойинг қидириблар ўларман.  
Кўчган болам бўлин бўйинча банда,  
Гўрасим галибди, Отабек нерда?*

*Кўна жойда энанг биргина ўзи,  
Сан ёдина тушсанг, тутилар кўзи,  
Олтинча баробар энаннинг сўзи,  
Буларни унутма, эй болам, кўзи.  
Бир қизингни қўйиб кетмадинг берда,  
Гўрасим галибди, Рўзгул нерда?*

*Кўчиб кетасанми, битдими жойинг,  
Ким бўлади энди манинг ҳамройим?  
Раънони олиб кетди Матқуб дойинг,  
Хато бўлса, кечиргайсан Худойим,  
Кўчган болам, бўлин бўйинча банда,  
Гўрасим галибди, Назира нерда?*

*Ўлим бордир, қазо бордир бу жонда,  
Бир бўлган қолмади энаси ёнда,  
Отанг бўлса, кеча-кунду майдонда,  
Каъбонг – онанг кўрқар намозини, шомда.  
Ухламин чиқарман саҳарлар, тонгда,  
Кўчган болам, бўлин бўйинча банда.*

Узоқ вақт ёруғлик ва дунё гўзаллигидан мусово бўлиб, қаро тон кўйинида яшаган момонинг хотираси шунчалик тиниқ ва кучли бўлганки, минглаб сатрларни ёдида сақлай билган. Буни ҳатто ижод аҳлининг ҳаммаси ҳам эплмай олмайд.

Аваллари Хоразмда момолар докани қат-қат қилиб, устидан пўта рўмолни ёпиб, лачак ўрарди. Бу нурунийликдан дарак бериб, момоларга ўзгача кўрк ва салобат бағишларди. Ҳозир бундай лачак ўраган момоларни жуда кам учратамиз. Наврўз байрамида миллий қадриятларимиздан бири сифатида «Лачак ўраш» маросимини ўтказиб турилади. Бу ҳам ёш авлод вакиллари момоларимиз удуларини билиб олишлари учун керак, албатта.

Юртимизда Наврўз шукҳи кезиб юрган палларда момоларим хотираси шууримда жонланди. Балки сиз ҳам момоларни ёдга олгандирсиз?..

Момоларимиз руҳи ҳаммаша шод бўлсин!



Суратларда: Ҳожар момо ва Розия момо.

Фаолият

## Ходимлар манфаатлари доимий ҳимояда

Меҳнат жамоаларидаги касабаси уюшмаларининг асосий вазифаси ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини, қонуний хоҳиш-иродаси ва талаб-истакларини ҳимоя қилишдан иборат. Шунингдек, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида туб ислохотларни амалга оширишга кўмаклашиш, жамиятда шаклланаётган янгича қарашлар ва муносабатларни жамоатчиликка етказиш, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, ходимлар эмин-эркин ишлаши учун ташкилот-корхоналарда зарур шарт-шароитлар яратилишини назорат қилиш ҳам ушбу тузилмалар фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади.

«Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси жамоаси шундан келиб чиқиб, айни кезларда изчил фаолият юритмоқда. Ишчи-ходимлар манфаатларини ҳимоя қилиш жараёнида асосий эътибор улар билан иш бевуви ўртасида тузилган жамоа шартномаларида қайд этилган қоидалар нечоғли мукамаллигига қаратилмоқда. Чунки бу ҳужжатни тегишли қонунлар асосида шакллантириш ва ҳар томонлама бадастир бўлишига эришиш томонлар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган турли низоларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Масаллага шу нуқтаи назардан ёндашганда, бизнинг корхонамиз касабаси уюшма кўмитаси қатор йиллардан бунён саломатлиги натижаларга эришиб келмоқда. Ишчи-ходимларнинг жамоа шартномаларида белгилаб қўйилган манфаатларини ҳимоялашдан ташқари, ижтимоий шерикликини ривожлантириш, меҳнат бозоридаги муносабатларни тартибга солиш ва муҳофаза қилиш, ходимларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, ойлик маошлар ўз вақтида берилишини назорат қилиш, жисмоний тарбия ва спорт, маънавий-маърифий тадбирларни ташкиллаштириш борасида диққатга молик ютуқларга эришмоқда.



Ҳозир корхонамиз касабаси уюшма кўмитаси таркибида 13 та бошланғич ташкилот бўлиб, аъзолари сони 1135 нафарни ташкил этади. Уларнинг барчаси касабаси уюшмалари томонидан берилаётган имтиёزلардан ўз вақтида ва унумли фойдаланмоқда.

Касабаси уюшмалари ташаббуси билан корхонамизда меҳнат хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш, шжараёнида инсон соғлигига путур етказиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Ходимларни белгиланган муддатда тиббий кўриқдан ўтказиш, зарарли меҳнат билан шуғулланувчи ишчиларга сут маҳсулотлари етказиб бериш, бепул махсус кийим-бош, пойабзал ва ҳимоя воситалари билан таъминлаш ҳам кўмитанинг доимий назоратига олинган. Натижада жамоамиз ишчи-хизматчилари хавфсиз ва хавотирсиз ишлаш имкониятига эга бўлишди. Шунинг баробарида корхонада меҳнат унумдорлиги бир неча баробарга ўсди. Бунда жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича сайланган 12 нафар жамоатчилик вакилининг ҳам ҳиссаси катта бўлди.

Соғлом турмуш тарзига риоя қилинишига эришиш мақсадида турли байрамлар арафасида ва дам олиш кунлари уюштирилаётган маданий-маърифий, спорт-соғломлаштириш тадбирларида жамоамизнинг барча ишчи-ходимлари фаол қатнашмоқдалар. Айниқса, волейбол, шахмат-шашка, мини футбол, арқон тортиш, енгил атлетика бўйича ўтказилаётган спартакиада кўпчиликти катта қизиқиш уйғотмоқда. Ҳолиб-ҳозир тақдирлашда касабаси уюшмалари маблағларидан фойдаланилмоқда.

Ўтган йили корхонамиз ишчи-хо-

димлари ва уларнинг оила аъзолари санаторийларда мароқли ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 21 та йўланма тарқатилди. Бевосита касабаси уюшма маблағлари ҳисобидан 20 донга йўланма берилди. Умуман, халқ ва касб байрамлари арафасида бемор ишчи-ходимларга, пенсионерлар ва кам таъминланган оилаларга озиқ-овқат маҳсулотларидан иборат хайрия ёрдамлари топширилди. Шунингдек, таътилга чиққан 1040 нафар ходимга 776 миллион 551 минг сўмлик, оилавий шароити оғир 391 нафар ишчимизга 158 миллион 647 минг сўмлик, яқин қариндошлари вафот этган ходимларимиздан 43 нафарига 39 миллион 639 минг сўмлик, пенсияга чиққан ҳамкасбларимизнинг 25 нафарига 180 миллион 530 минг сўмлик, 35 нафар ишчи кўшига 77 миллион 490 минг сўмлик, соғлиғини йўқотган ва оғир жарроҳлик операцияларини бошидан ўтказган 2 нафар ходимга 16 миллион 773 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

Сирасини айтганда, «Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси фаолиятдан бугун кўпчилик мамнун. Жамоамизнинг барча ишчи-ходимлари уларни дуч келган низолар юзасидан корхона раҳбарияти ёки ҳуқуқ-тартибот идораларига эмас, балки касабаси уюшма кўмитасига кўпроқ мурожаат қилишади. Бу бизни ҳар қачонгидан яхшироқ ишлашга ва кўмитамиз нуфузини янада юксалтиришга ундайди.

Шавкат ТУРСУНОВ,  
«Навоий ҳудудий электр тармоқлари корхонаси» акциядорлик жамияти касабаси уюшма кўмитаси раиси

Саломатлик

# Баҳор кайфиятини улашиб...



**Ўзбекистон касаб аюшмалари Федерацияси ташаббуси билан Наврўз байрами арафасида ижтимоий ҳимояга муҳтож 50 нафар аёл «Умид гулшани» ва «Кўҳинур» санаторийларида бепул соғломлаштирилмоқда.**

нани таъкидлашди.  
– Бу ерда муолажа олаётганимга тўққиз кун бўляпти, – дейди зангиоталик Муҳаббат Солиҳова. – Умр йўлдошимнинг вафо-

лаётган мазали таомларни айтмайсизми! Барча танишларимга кўнғироқ қилиб, санаторийда дам олишни тавсия қиляпман.

Кунни кеча Ўзбекистон касаб аюшмалари Федерацияси Санатор-курортлар бошқармаси томонидан ташкил қилинган маданий-маърифий тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди. Бошқарма масъул ходими Маҳмуда Мурзаева мамлакатимизда инсон қадрини улуғлашга қаратилган сиёсат моҳияти ва унинг самаралари ҳақида муфассал сўз юритди. Тадбир асноси дам олувчиларга байрам совғалари тақдим этилди.

**Санаторийларда дам олаётган аёлларнинг барчаси кайфиятлари аъло эканини, саломатликлари мустаҳкамланиб, ўзларини бардам ҳис қилишгаётганини, маданий тадбирлардан олам-олам завқ олишгаётганини таъкидлашди.**

тидан кейин ҳамма нарса ўзимнинг елкамда қолиб, уч нафар фарзандимни оёққа қўйиш ҳаракатида дам олиш хаёлимга ҳам келмади. Айни пайтда бу ердаги муҳит, тиббиёт ходимларининг муносабати, даволаниш муолажаларидан ўзимни яшаргандек ҳис қиляпман. Ошпазлар тайёр-

лаётган мазали таомларни айтмайсизми! Барча танишларимга кўнғироқ қилиб, санаторийда дам олишни тавсия қиляпман.



Ра'но МАҚАМОВА «ISHONCH»




Шукрона

Тошкент вилояти

## ҚИШЛОҚДА «ҚОЗОНОСАР» АВЖИДА

Бекобод туманида яшовчи Гулбаҳор Бекболаева ҳар йили кўкламни қозоносар удуми билан қарши олади. Чор тарафда ўйин-кулги авж олиб, куй-қўшиқлар янграши қиш тугаганини аңлатади. 21 мартда кун билан тун тенглашиб, Янги йил бошланади. Уни сумалак пиширилаётган қозон атрофида кўпчилик бўлиб, яхши ниятлар билан кутиб олишда эса катта ҳикмат бор...  
Шу кунларга етказганига шукур!

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



Наманган вилояти

Таълим ва фан ходимлари касаб аюшмаси Наманган шаҳар кенгаши тизимдаги корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларининг 2021 йилда бажарилиши якунларига бағишланган умумий йиғилишларини бошлади.

Жамоа шартномаси – амалда

# МАҚСАД – муносиб меҳнат шароити яратиш



Дастлаб тизимдаги бошланғич касаб аюшма ташкилотлари раислари иштирокида кўргазмали ўқув семинар ўтказилди.

Йиғилишларда муассаса ва ташкилотларнинг иш бевуви-лари ҳамда бошланғич касаб аюшма кўмиталари раислари 2021 йил давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисобот беришди.

Шунингдек, йиғилишларда таълим муассасаларида мажбурий меҳнатга ва педагог ходимларнинг иш фаолиятига салбий таъсир этувчи омилларга йўл қўймаслик, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш чораларини кўриш, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш каби масалалар муҳокама қилиб борилмоқда.

Наманган педагогика кол-

лежи ва вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий марказида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Жамоада ўзининг ҳалол меҳнати ва касаб аюшмаси ҳаётидаги фаоллиги учун педагогика коллежининг 3 нафар ҳамда марказнинг 11 нафар аёл ходими шаҳар кенгашининг эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш мақсадида 15 нафар техник ходимга шаҳар кенгашининг махсус кийим-бош тўпламлари топширилди.

Акмалхон УМАРОВ,

Таълим ва фан ходимлари касаб аюшмаси Наманган шаҳар кенгаши раиси

Эълон

Тошкент шаҳар Яққасарой тумани халқ таълими бўлими тасарруфидagi 144-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2008 йилда Хужазода Муҳаммадамин Алиаскар (Хужакулов Муҳаммад Алиаскарович) номига берилган шаходатнома йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Барчамиз орзиқиб кутган, иъзам ва дилбар фасл – баҳорнинг иъзам байрами, **НАВРЎЗИ ОЛАМ** билан барча юртдошларимизни муборакбод этамиз! Мана шундай кутлуғ айём кунларида Сиз, азиизларга сизга саломатлик, бахт ва омад, оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилаймиз.

**Таълим ва фан ходимлари касаб аюшмаси Ургут тумани кенгаши жамоаси**

**ЙИЛБОШИ**  
Бугун баробардир Кеча ва Кундуз – Олам меҳваридида қўёш барқарор. Жанубий ярим шар қучоғида Кўз, Шимоллий ярим шар баърида Баҳор.

Хуш келдинг, Наврўзим, Ўзбекистонга, Хуш кўрдик, мойчечак, бодом гуллари. Истиқлол юз очган ота маконга Анбарлар ташийди тоза еллари.

Гарчи кечаларнинг ҳарорати паст, Этни жунжиктирар бу тунлар гарчи. Офтобли тунларга ихлосу ҳавас Олиб учиб келди наврўзак – элчи.

Йил – Йилбошидан... мана, нафаси Тумандай тарқатди Қиш жафоларин. Жарлар, дарахтларда қушлар уяси Тагин кутиб олди «безаф»ларин.

Мен бир ошиқ шоир, кўкда камалақ, Қалдирғочнинг қийиб учушин кутдим. Дошқозонлар тўла ҳалим, сумалақ, Қозонинг тўлгани роғат бўлсин, юртим!

Табрик

# ЎЗБЕКИСТОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ

*Ўлкамизга зўр қувонч ва шодлик улашиб кириб келаётган*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан барча юртдошларимиз, шу жумладан, эл саломатлиги йўлида  
сидқидилдан меҳнат қилаётган соҳа ходимларини қутлайди!  
Бугун тинчлик, фаровонлик ва тараққиёт йўлида дадил интилаётган  
халқимизга мустақкам соғлиқ, хуш кайфият,  
ишларида ҳамisha зафарлар ёр бўлишини тилаб қолади.  
Наврўз қувончи барчани янги-янги интилишлар, изланишлар,  
ижодий парвозларга чорлайверсин!*



Табрик

*Юртдошларимизни баҳорий янгиликни ва  
яшариш, барака ва эзгулик айёми –  
Наврўз билан самимий муборакбод этади!  
Эзгу тилаклар амалга ошадиган шу  
қутлуғ кунларда Яратгандан юртимизга  
тинчлик-омонлик, соғлиқ-саломатлик,  
дастурхонларимизга файзу барака, элимизга  
аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, фарзандларимиз  
камолини кўриш насиб этишини тилаймиз.  
Наврўз айёмининг қадами қутлуғ бўлсин!*

## ТРАНСПОРТ, ЙЎЛ ВА КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ, ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ ЖАМОАСИ



Табрик

 **«COSCOM»**  
масъулияни чекланган  
жамияти раҳбарияти ва касаба  
уюшма кўмитаси

*Юртимиз меҳмонларини ва қалби қайноқ,  
меҳридарё халқимизни, шу жумладан,  
соҳа ходимларини кириб келаётган*

## НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан чин дилдан муборакбод этади!  
Сиз азизларга саломатлик ва бахт, оилангизга  
тинчлик-хотиржамлик, ҳаётингизда яхши кунлар  
кўп бўлишини тилаймиз.  
Янгиликни арафасида дилнингиздаги барча  
орзу-истакларингиз амалга ошсин!*




Хизматлар лицензияланган.

Табрик

# «САЁҲАТ САРИ» УНИТАР КОРХОНА ЖАМОАСИ

*Халқимиз  
тафаккурининг  
бетакрор мўъжизаси –  
НАВРЎЗИ ОЛАМ  
билан мамлакатимиз  
аҳлини самимий  
қутлайди!  
Юртимизни, кўнглимизни,  
хонадонимизни баҳорий  
кайфият ҳеч қачон  
тарк этмасин!*

## Наврўз шукуҳи доимо дилларда мангу бўлсин!





**Бухоро вилояти** Тадбир  
Бухоро вилояти ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатидида 2020-2023 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2021 йилдаги ижросига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

## Муҳим масала муҳокамаси

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими мутахассиси Клара Шойсупова, вилоят кенгаши бўлим mudiri Сардор Эргашев ҳамда Маданият, спорт ва тур-

ризм ходимлари касаба уюшмаси вилоят бирлашган кўмитаси раҳбари Диловар Темировалар иштирок этди. Йиғилиш якунида ташкилотнинг фаол ходимлари эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз



**Қорақалпоғистон Республикаси** Спорт  
Ўзбекистон миллий паралимпия кўмитаси ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ҳамкорлигидан паралауэрлифтинг спорт бўйича Қорақалпоғистон Республикаси чемпионати ўтказилди.

## Ғолиблар тақдирланди

Чемпионатда худуддаги шаҳар ва туманлардан 16 нафар спортчи иштирок этди. Якунда ғолиб спортчиларга Ўзбекистон касаба уюшмалари

Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши томонидан қимматбаҳо совғалар ва дипломлар топирилди. **Есимхон ҚАНОАТОВ,** «ISHONCH»



**Тошкент шаҳри** Туризм  
Қадамжолар юртимизнинг ҳар гўшасида бор. Айниқса, Тошкент вилоятида жойлашган Зангиота мажмуасининг таровати ўзгача. Бу маскан йил давомида зиёратчилар билан гавжум.

## Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши барча тармоқ касаба уюшмаларидан 25 нафар фаол, эҳтиёжман аёлларнинг Тошкент шаҳри ва вилоятига саёҳатини ташкил этди. – Зангиота зиёратгоҳига биринчи келишим, – дейди Гулистон туманидаги репродуктив саломатлик маркази ҳамши-

раси Гулнора Шодмонкулова. – Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун касаба уюшмаларига катта раҳмат. Дастурга кўра, саёҳатчилар дастлаб Зангиота мажмуаси, сўнгра Ҳазрати Имом жоме масжиди, Ғалаба боғи, «Magic city» да бўлишди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, «ISHONCH»



**Баҳор насимига сумалакнинг муаттар бўйлари қўшилиб, дилларга олам-олам қувонч бахш этмоқда. Турфа гуллар Наврўз пойига пояндоз тўшаётганини кўриб, дилинг яйрайди!**

**Наврўз биз учун баҳор ва уйғониш, яшариш ва янгиланиш, меҳнат ва бунёдкорлик фаслидир.**

**Наврўз биз учун меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайру саховат ва ўзликни англаш рамзидир.**

### НАВРЎЗНИНГ ТАВАЛЛУДИ

Наврўз байрамининг келиб чиқиши ҳақида турли афсоналар бор. Уларнинг бирида келтирилишича, Наврўз Одам Ато ва Момо Ҳавонинг илк учрашган куни экан. Фирдавсийнинг «Шоҳнома», Абу Райҳон Бериунининг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар», Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки аҷам» асарларида келтирилишича, «Наврўз» байрамининг келиб чиқиши подшоҳ Жамшид номи билан боғлиқ.

Бериунининг ёзишича: «Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша кунни аравага чиқиб олди, жинлар ва шайтонлар уни ҳавога кўтариб, бир кунда Дунбобан (Дамованд тоғи)дан Бобилга олиб бордилар. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, ўша кунни ҳайит қилдилар ва Жамшиднинг арава учига тақлид қилиб, аргумчоқларда учдилар». Наврўз сайилларида аргумчоқларда учиб ҳалигача сақланиб қолган.

«Наврўзнома» китобини ёзган улуғ олим ва шоир Умар Ҳайёмнинг фикрича, бу байрам Аҷам подшоҳлари ташаббуси билан жорий этилган. Аҷамликлар (Турон ва Эрон халқлари) офтобнинг йил давомида айланишини буржлар бўйича ҳисоб-ки-тоб қилиб чиққанлар. Шу зайдла дастлабки тақвим (календарь) яратилган, ой ва йиллар белгиланган. Ҳайёмнинг ёзишича, Каюмарс (Биринчи қаёғини подшоҳ) уч юз олтин беш кун ичида офтобнинг бир айлини чиқиши рўй берадиган кўш йилини ҳар бири ўттиз кундан иборат ўн икки ойга бўлиб ва муборак Изид дунёга юборган ўн икки фаришта номи билан атади. Кейин у йилни тўрт бўлакка бўлиб, фаслларни белгилади, йилнинг бошини Наврўз деб атади. Хулоса қилганда, Наврўз мўтабар кун сифатида дунёга келиб, ҳамиша қадрли бўлиб қолган.

### НАВРЎЗНИНГ НИШОНЛАНИШИ

Қадимда подшоҳ байрамни эълон қилгач, сайил бошланган. Сайлда етти хил таом ва мевалар билан дастурхон безатилган, камондан ўқ отиш, от пойгаси, кураш ўйинлари ташкил қилинган. Қизлар кўло-ёқларига хина кўйганлар, гулпопулар ясаб кийганлар, хонадонлар тозаланган, эски-тускилар ташлаб юборилган. Далага чиқиб, лола сайли ташкил қилинган, етти кун ўтгач, ер ҳайдаб, дон сепилган. Замонлар ўтиши билан бу байрам шаклланиб, тақомиллашиб борган. Унинг моҳиятида тун ва куннинг тенглашиб, куннинг узая болаши, табиат жонлиб, дов-дарактларнинг уйғониши, шунингдек, инсонлар руҳиятида ҳам уйғониш рўй бериб, меҳр улашиш каби асослар сақланиб қолган.

Илмий юксалиш даври бўлган ўрта асрларда алломалар, фозиллар томонидан Наврўзнинг фалсафий моҳияти кенгроқ талқин қилиб берилди. Бу даврда Наврўз байрами тантаналарида санъат усталари, шоирлар, кизикчилар, дорбозлар ўз маҳоратларини кўрсатишган. IX-XI асрларда Наврўз кунини юртга ош тортилган, нуфузли инсонларга совғалар улашилган. Кейинроқ Наврўз тантаналарида аъшанавий ўйинлар ва томшалар, театрлар маросимлар ўтказилган. Наврўз кунлари ободонлаштириш ишлари кенг олиб борилган.



### УЛАР НЕГА НАВРЎЗДАН ҚЎРҚИШГАН?

Шўролар даврида Наврўзнинг эскилик сарқити, диний маросим ва хурофот сифатида таҳрирлангани, Наврўз таоми ҳисобланган сумалак тўла дошқозонлар тебиб ағдарилганини катта авлод вакиллари ҳануз кўнгил оғриғи билан эслади.

Утган асрнинг 90-йилларида Наврўзни нишонлаш тақиқланди, уни ёқлаганлар «Халқ душмани» деб эълон қилинди. Халқнинг минг йиллар мобайнида шаклланиб келган қадриятларини ҳимоя қилган кишилар ана шу халққа «душман» дея эълон қилиниши ҳеч бир мантқиққа тўғри келмасди. Ҳақиқатда эса, улар халқ душмани эмас, халқни бирлаштирувчи эдилар. Чунки Наврўзнинг яшовчанлиги асосида унинг элни бирлаштирувчи кучи ётади. Босқинчилар, мустамлақачилар миллий байрамлардан шунинг учун ҳам қўрқадилар, шунинг учун ҳам уларни турли баҳоналар остида тақиқлашга ҳаракат қиладилар.

Аслида, Наврўз фақат ўзбек миллатининггина эмас, кўплаб Шарқ халқларининг ўзлигини акс эттирувчи байрам. Фақат ҳар бир миллат уни нишонлашда ўзига, ўзига хос ёндашади. Умумийлиги эса Наврўзнинг меҳр-оқибатни тарғиб қилувчи, эларни бирлаштирувчи, инсонларни ҳалол меҳнатга ундовчи кучида. Шу боис ҳам байрам таъқиб олинган йиллар мобайнида ҳам, гўё баҳор сайлига чиққандек, халқимиз томонидан Наврўз сайиллари уюштирилаверди ва байрам сифатида хуфёна нишонланаверди.

### СУМАЛАКДАН ТОШ ТОПДИМ...

Бугунги Наврўзларда шунчаки сумалак пиширилади эмас, балки сумалаклар байрамга ҳам айланиб кетади, десак, му болага бўлмас. Яна у шунчаки баҳор ёки Наврўз таоми эмас, ният таоми, фаришталар таоми.

Ҳалол-показалик, тоза ниятлилик – сумалак пиширишининг биринчи талаби. Сумалакка ўчоқ тайёрланаётгандаёқ, тоза табиат ила эзгу ният билан иш бошланади. Дошқозон эгалари тўй ошлари учун қозон ҳақи олишлари мумкин, аммо сумалак учун олмайдилар. Сумалакка ҳатто ўтин келтираётган болалардан ҳам момоларимиз «тахоратнинг борми», деб сўрайдилар. Сумалак тайёр бўлмагунча, қозон бошига дуч келган одамни йўлатмайдилар. Сумалак бўлаётган хонадонга кўни-кўшни, қариндош-уруғлар таомлар пишириб келадилар. Сумалакчилар орасида доира чертиб, кўшиқ айтаётганлари бўлмаса, улар махсус тақлиф этиладилар. Раққосалар эса – ҳамма! Гоҳида эса нариги супада ўтирган эркаклар даврасига ўғринча қараб олиб, овозларини пасайтириб, шипшиганча, аёллар ҳам аскиябозлик қилиб қоладилар. Аммо кулгулар ҳамма-



**Шахло АХРОРОВА,** шоира, фалсафа фанлари доктори(PhD), Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти катта илмий ходими

нинг, жумладан, нариги супадаги эркакларнинг ҳам ҳавасини келтириб, дунёни тутати. Сумалакка солинган тош ва ёнғоқларни фарзандталаб, бемор ва бошқа мушкулларини осон қилиш ниятидагилар тилаб олишди, сумалак чўғининг устидан ҳатлашади. Сумалак тақридан ёмон нарсалар ҳақида ўйлашлари, қозон атрофида ҳақорат сўзларини ишлатишлари мумкин эмас!

### БОҚИЙ БАЙРАМ ТИЛАГИ!

Эътибор қилдингизми, Наврўз байрами билан боғлиқ ҳар бир таърифимиз, ҳар бир жумламиз замирида эзгулик, бирдамлик, бирдилликни сездингизми? Байрамга оид ҳар бир урф инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибат ришталарини боғлашини-чи? Наврўз – бобомерос қадриятларимизни фарзандларимизга узатиш баробарида жуда катта тарбия мактаби эканини ҳам сезмасликнинг илож борми?

Ҳа, ана шундай! Наврўз минг йиллар мобайнида инсонийлик ғоялари, миллий аъёналари билан ажодлар мероси сифатида нафақат халқнинг ҳаётида, балки руҳиятида ҳам яшаб қолаверди. Халқимиз уни янги кун – эзгуликнинг аввали, яхшиликнинг уйғониши рамзи сифатида байрам қилаверди. Наврўз баҳона, гина-қудуратларни унутиб, бир-бирига меҳр улашаверади, бир-бирини дуолар қилаверди.

Наврўз ҳақида сўзлар эканмиз, ушбу байрам одатига биноан биз ҳам ҳазрат Навоийнинг ушбу сатрлари билан дуо қилиб қоламиз:

**Ҳар тунинг қадр ўлубон,  
Ҳар кунинг ўлсин Наврўз!**



## БОЛАГА КИТОБ БЕРИНГ...

Мутолаа инсонга муваффақият эшикларини очувчи калитдир. Илм излаш, китоб ўқиш нафақат киши дунёқарашини кенгайтиради, балки ўзига хос завқ ҳам бағишлайди. Яшнобод туманидаги 61-умумтаълим мактабидида «Беш ташаббус – беш имко-

нийат» шиори остида ўтказилган «Зукко китобхон» кўрик-танловининг туман босқичида бу жиҳатлар алоҳида эътироф этилди.

Танловда худуддаги 11 та мактабнинг 4-синф ўқувчилари иштирокидаги жамоалар «Таништирув», «Савол-жавоб»,

### Кўрик-танлов

«Саҳна кўриниши» шартлари асосида ўз билим ва иқтидорларини намойиш этишди.

Қатнашчиларга ўзгача қувонч, ўзгача шодлик ҳада этган тадбир ўқувчиларнинг китобга бўлган меҳр-муҳаббатини янада мустаҳкамлади, саҳна кўринишлари эса ўқиш ва ўқиб келажак ҳаётларида муҳим аҳамият касб этишини теранроқ англаб етишларига хизмат қилди.

Танлов ғолиблари ва иштирокчилар Яшнобод тумани халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Нилуфар ҲАСАНОВА,** Яшнобод туманидаги 61-сонли мактаб ўқитувчиси

**МУАССИС:**  
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi  
ISSN 2010-5002  
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:  
Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

**Бош муҳаррир**  
Ҳусан ЭРМАТОВ  
**Бўлимлар:**  
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69  
Хуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89  
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79  
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43  
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz**  
сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, тахлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиши мумкин.

**Қудудлардаги мухбирлар:**  
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22  
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23  
Бухоро вилояти – (+998-91) 406-43-24  
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34  
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02  
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28  
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26  
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55  
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32  
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24  
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01  
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррирлар:**  
А. Абдурахмонов, Ж. Наҳонов  
**Мусахҳиллар:**  
Д. Худойберганова, У. Худойберганова  
**Саҳифаловчи:**  
Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 04:30  
Топширилди – 04:40  
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 4 босма табоқ, бюртрма V- 5077  
34419 нускада босилди.  
Нашр кўрсаткичи: 133  
1 2 3 4 5 6

**Баҳоси келишилган нарҳда**  
**Манзилими:**  
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.  
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.  
«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий ўйи босмаҳонасида чоп этилди.  
**Корхона манзили:**  
Алишер Навоий кўчаси 30-уй.  
**Таҳририят ҳисобрақами:**  
2021 0000 0004 3052 7001,  
АТИБ «Ipoteka bank»  
Яшнобод филиали,  
Банк коди: 00959,  
СТИР: 201133889,  
ОКДЭ: 58130